Кабоирлар: Аллоҳга ширк қилиш, ота-онага оқ бўлиш, (бегуноҳ) нафсни ўлдириш ва ёлғон қасам»,— дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кабоирлар: Аллоҳга ширк қилиш, ота-онага оқ бўлиш, (бегуноҳ) нафсни ўлдириш ва ёлғон қасам»,— дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта гуноҳлар ҳақида хабар бермоқдалар. Кабира, дунё ёки охиратда қаттиқ жазо билан қўрқитилган гуноҳдир. Биринчи: Аллоҳга ширк келтириш: Ибодатнинг бирор турини Аллоҳдан бошқага йўналтириш ва Аллоҳдан бошқани У Зотга хос бўлган рубубияти, улуҳияти ҳамда исм ва сифатида тенглаштириш. Иккинчи: Ота-онага оқ бўлиш: сўз ёки феъл билан уларга азият бериш ва уларга яхшилик қилмаслик. Учинчи: Зулм ва адоват қилиб бегуноҳ "нафсни ўлдириш". Тўртинчи: Ҳалокатли қасам: Ёлғонлигини била туриб ёлғон қасам ичиш. Бундай деб номланишининг сабаби, у эгасини дўзахга ёки гуноҳга йўлиқтиришидир.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3044